

По'лат о'тда товланadi, odam mehnatda

Metallurg Minbari



Ўзбекистон металлургия комбинати акциядорлик
jamiyatining ko'p nusxali gazetasi

2022-yil 22-dekabr № 14 (1522).
Gazeta 1992-yil 7-martdan nashr etilmoqda

2023 йил - ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ



**“ЎЗМЕТКОМБИНАТ” АЖ
ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
КИРИБ КЕЛАЁТГАН
2023 ЙИЛ БИЛАН
ТАБРИКЛАЙДИ**

ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



**Хурматли ҳамкасблар, металлурлар,
комбинатимиз меҳнат фахрийлари! Азиз
бекободликлар!**

Сизларни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан самимий табриклайман.

Барчангизга тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахту саодат тилайман!

Келаётган янги йил ҳамма учун янги истиқболларини очиб, янги имкониятлар билан хурсанд қилсин. Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик ва тинчлик тилайман. Ҳамма эзгу орзулар, мақсадлар рўёбга чиқсин!

“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” муҳим воқеалар, янги лойиҳаларга бой бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 12 август куни Бекободга, “Ўзметкомбинат” АЖга ташрифи металлурлар учун тарихий ва унутилмас аҳамиятга эга бўлди. Давлат раҳбари металлургия саноатини жадал ривожлантириш учун устувор вазифаларни белгилаб берди.

Металл ишлаб чиқарувчи корхоналарни хомашё билан кафолатли таъминлаш, барча худуд-

ларда металл ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этилишини қўллаб-қувватлаш, юқори қўшилган қиймат яратадиган саноат тармоқлари учун замонавий металл конструкциялар ишлаб чиқариш ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фан ва инновацияни ривожлантиришни қамраб олган ушбу устувор вазифалар, дарҳақиқат, металлургия саноатини замон талабларига мос ривожлантириш учун жуда муҳим саналади.

Ишончим комилки, комбинат олдига қўйилган барча вазифалар бажарилади, аҳил ва жипс жамоамиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар республикамиз ва хориж бозорларидан муносиб ўрнини эгаллайди.

Яқунланаётган йилда инновацион масалалар муваффақиятли ҳал этилиб, янги қувватлар, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилганлигини таъкидламоқчиман.

Навли прокат цехига хориждан термо-мустаҳкамлаш линияси келтирилиб, ишга туширилди. Йилига 500 минг тонна термомеханика усулида мустаҳкамланган диаметри №10 – 36 мм, мустаҳкамлиги эса А500 ва А800 синфига мансуб бўлган арматурани ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Бу маҳсулотлар Европа андозалари талабларига мувофиқлик бўйича синовдан муваффақиятли ўтди. Бугунги кунда комбинат бу маҳсулотларни Европага экспорт қилишни бошлади.

Шунингдек, жорий йилда комбинатда авваллари хориждан импорт қилинган ферроқотишмалар ишлаб чиқариш ва электрда пўлат эритиш учун зарур бўлган юқори омли (юқори электр қаршилигига эга бўлган) кокс ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Нафақат комбинатимизда, балки мамлакатимизда ҳам энг катта инвестиция лойиҳаларидан бири бўлган Қуюв-прокат мажмуасини қуриш бўйича

ишлар жадал олиб борилмоқда. Бу лойиҳа асосида йилига 1,04 миллион тонна пўлат ўрамлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Уни амалга оширсак комбинатда ишлаб чиқариш икки бараварга ошади.

Бундан ташқари Тошкент Республика Фонд Биржасида “Ўзметкомбинат” АЖнинг қўшимча акцияларини оммавий жойлаштиришга (ФПО) тайёргарлик кўриш бошланишига бағишланган тақдиротни муваффақиятли ўтказдик.

Металлурларимиз эришаётган муваффақиятлари учун юксак Ватан мукофотлари билан тақдирланишмоқда. Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Золдир прокат цехи оператори Олтиной Карабаева “Меҳнат шухрати” ордени, Халқлар дўстлиги куни муносабати билан Навли прокат цехи устаси Сергей Гечу “Дўстлик” ордени билан мукофотланди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги арафасида эса Золдир прокат цехи катта устаси Омонбек Алиматов “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими” фахрий унвони, “Металлург” шаҳар шифохонаси бош шифокори Зарема Стригина II даражали “Саломатлик” ордени, Энергетика цехининг устаси Исмоил Исроилов “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

Ватанимизнинг бу юксак мукофотлари комбинатимизнинг кўп минг кишилик жамоасининг юртимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнатлари учун берилган мукофотдир.

Барча ҳамкорларимизга, маҳсулотларимиз истеъмолчилари ва етказиб берувчиларига ҳамкорлик учун миннатдорчилик билдираман.

Қадрли металлурлар!

Хурматли бекободликлар!

2023 йил бизга омад ва янги муваффақиятлар келтирсин. Комбинатнинг барча ишчи-ходимларига, оиласи аъзоларига, яқинларига, ҳамшаҳарларимизга соғлик, бахт, фаровонлик тилайман.

Барча эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқсин!

Келаётган янги йил муборак бўлсин!

**Рашид ПИРМАТОВ,
“Ўзметкомбинат” АЖ бошқарув раиси –
бош директор.**



* ЭКСПОРТ * ЭКСПОРТ * ЭКСПОРТ * ЭКСПОРТ * ЭКСПОРТ *

ҮН БИР ОЙДА ЙИЛЛИК РЕЖА БАЖАРИЛДИ


2022 йилнинг 11 ойи давомида “Ўзметкомбинат” АЖда белгиланган йиллик экспорт кўрсаткичи режаси муддатидан олдин бажарилди.

Хусусан, жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида умумий қиймати жами 83,8 миллион долларлик sanoat маҳсулотлари экспорт қилинган бўлиб, бу режага нисбатан 133,2 фоизни ташкил қилди. Йиллик экспорт режаси (70,3 миллион доллар) 11 ойдаёқ 119,2 фоизга бажаришга эришилди.

Экспортга юборилган маҳсулотларнинг 57,3 миллион долларини қора металлпрокати, 23,6 миллион долларини (ўсиш суръати 1,6 баробарни ташкил қилди) рангли металл, 2,9 миллион долларини эса бошқа маҳсулотлар ташкил этди.

Жорий йилнинг июль ойида “Ўзметкомбинат” АЖ Литва Республикасининг Вильнюс шаҳрида ўз савдо уйини очди. Бугунги кунда “Ўзметкомбинат” АЖ Европа Иттифоқига аъзо, яъни Литва, Латвия, Дания, Норвегия, Швеция ва Финляндия давлатларининг

мувофиқлик сертификатларига эга бўлди. Вильнюс шаҳридаги Савдо уйи орқали бу давлатларга 23,6 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилиниб, қўшимча 6 та янги бозор очишга эришилди.



Металлурглар маданият саройида “Ўзметкомбинат” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтди.

АКЦИЯДОРЛАР КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

Йиғилишни “Ўзметкомбинат” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари – ижрочи директор Дилшод Ахмедов очди.

Йирик акциядор номидан Давлат активларини бошқариш агентлигининг йирик давлат активларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш департаменти гуруҳ раҳбари ўринбосари Сардор Яхшибоев ZOOM платформаси орқали онлайн равишда йиғилишда иштирок этди.

Комбинатнинг Ходимларни бошқариш департаменти директори вазифасини бажарувчи Наталья Плескачевская “Ўзметкомбинат” АЖнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласи бўйича сўзга чиқди.

Кун тартибидаги иккинчи ва учинчи масала юзасидан Корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи Юлдуз Усмонова сўзга чиқиб йиғилиш иштирокчиларига қуйидаги маълумотларни берди.

2022 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича комбинатнинг олган соф фойдаси 778 293 148 000 сўмни ташкил қилган. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши соф фойданинг бир қисмини – 241 356 416 188,42 сўмни оддий акциялар бўйича дивидендларни тўлаш учун тавсия қилди. 1 дона оддий акция учун 528,62 сўм дивиденд тўлаш таклиф этилди.

Кун тартибидаги учинчи масала акциядорлар томонидан 2017 – 2018 йиллар ичида талаб қилиб олинмаган дивидендларни Жамият ихтиёрида қолдириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Акциядорлар йиллик умумий йиғилишида кўрилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

* 22 ДЕКАБРЬ - ЭНЕРГЕТИКЛАР КУНИ * 22 ДЕКАБРЬ - ЭНЕРГЕТИКЛАР КУНИ * 22 ДЕКАБРЬ - ЭНЕРГЕТИКЛАР КУНИ *

УЛАРНИНГ МЕҲНАТЛАРИ БАРЧАМИЗ УЧУН МУҲИМ

Давлатимиз раҳбари иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилар экан, мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири ишлаб чиқариш таннархини, жумладан, тайёрланаётган маҳсулотларнинг энергия сарфини камайтириш муҳимлигини қайта-қайта таъкидлади.

“Ўзметкомбинат” АЖда ҳам бу устувор йўналишлар бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бош энергетик хизмати бошчилигида комбинатимизда Энергетика, Энергетика тармоқларини таъмирлаш, Электр ускуналарини таъмирлаш, Кислород-компрессор ва Электр тармоқлари ва подстанциялар цехлари, Электротехника ҳамда Технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқарув тизимлари лабораториялари ўзларининг масъулиятли вазифаларини кўнгилдагидек бажариб келаяптилар.

Ушбу таркибий бўлинмалар комбинатни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш мақсадида асосий ишлаб чиқариш цехларида режали, жорий ва мукамал таъмирлаш ишларини ўз вақтида амалга ошириб, юқори вольтли кабель линияларига хизмат кўрсатиш ва бошқа ишларини ўз вақтида адо этишмоқда. Бундан ташқари энергетиклар қиш мавсумига қозонхоналарни тайёрлашда бевосита иштирок этишади. Шунингдек, улар комбинатда табиий газ ва электр энергиясидан оқилona фойдаланишни ҳам назорат қиладилар.

– Комбинатнинг муваффақиятли

фаолиятида, албатта, энергетикларнинг ҳам ҳиссаси катта, – дейди комбинат бош энергетиги ўринбосари Шерзод Усмонов. – Барча цехларимиз ўз вазифаларини юқори савияда бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Комбинат электр жиҳозларининг унумдор-



лиги, ишончли ва хавфсиз бетўтов ишлаши уларга боғлиқ. Энергетикларимиз Ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехи, Пўлат симлар ишлаб чиқариш участкасини куришда, Термомеханик мустақамланган арматура ишлаб чиқариш мақсадида навли прокат цехининг 300-станини реконструкция қилишда, Юқори чидамли кокс ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқа



лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этдилар.

Энергия самарадорлигини ошириш ва харажатларни камайтириш мақсадида ҳар йили электр энергияси ва табиий газни тежаш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 10 ойида 7,471 миллион кВт/электр энергия, 1,944 млн.м3. табиий газ тежалди. Бу кўрсаткичларга эришиш учун бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ферроқотишмалар ишлаб чиқариш ва Золдир прокат цехлари насос узатгичларига частота ўзгартиргичлари ўрнатилиб, электр энергияси истеъмоли 20 фоизгача қисқартирилди.

Шунингдек, Электр тармоқлари ва подстанциялар цехига 130 МВА реактив қувватига эга турғун генератор ўрнатилди. Комбинатда энергетиклар иштирокида амалга оширилаётган барча тадбирлар ишлаб

чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, энергия ресурсларидан оқилona фойдаланиш, пировардида маҳсулот ва ишлаб чиқариш таннархини камайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Бугунги кунда комбинат энергетиклари барқарор ишламоқдалар. Шу боис йилни муваффақиятли якунлаш учун барча асослар бор. Келгуси йилда энергетиклар олдига бундан кам бўлмаган вазифалар қўйилган. Уларни ҳал қилиш энергетиклардан бор куч ва билимларини ишга солишни талаб қиладди.

Энергетикларнинг касб байрамлари йилнинг ёруғлик энг қисқа куни – 22 декабрда нишонланади. Айнан шу куни ҳар доимгидан ҳам кўп энергетикларнинг меҳнатлари нақадар барчамиз учун муҳимлигини яққол сезамиз.

Мана шундай қадрли касб эгаларига соғлиқ-саломатлик, оилавий бахт-саодат, муҳим ва шарафли ишларида муваффақиятлар тилаймиз.



ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – давлатнинг бош қонуни, шу давлатда яшовчи фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўзида мужассам этувчи асосий қомус ҳисобланади. Конституциямиз инсон ҳаёти, унинг нақадар азиз экани, миллий қадриятларимиз, асо-ри-атиқаларимизнинг асраб-авайла-ниши, диний бағрикенглик, давлат-нинг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ҳаётини қамраб олувчи қонуний кафолат сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда Конституция қабул қилинган кунни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш анъанага айланган. Барча жойларда бўлгани каби комбинатимизнинг таркибий бўлинмаларида ҳам байрам муносабати билан Конституциямиз ва давлат Мадҳияси қабул қилинган-лигининг 30 йиллигига бағишланган

турли тадбирлар ташкил этилди. Ана шундай тадбирлардан асосийси байрам арафасида Metallurglar маданият саройида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда юртимизни жону дилдан севишга ун-довчи давлат Мадҳияси қабул қилинганлиги-нинг 30 йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбирида комбинат ишчи-ходимлари, меҳнат фахрийлари, ҳарбийлар, ёшлар ишти-рок этишди.

Байрам тадбирини Бекобод шаҳар ҳокими Насрулло Бобоев ҳамда “Ўзметкомбинат” АЖ бошқарув раиси – бош директор Рашид Пир-матовлар нутқ сўзлари билан очиб, йиғил-ганларни байрам билан табриклашди ва ўзларининг эзгу тилаklarини билдирдилар.

Тантанали тадбирда бир гуруҳ комбинат ишчи-ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 8 ноябрдаги Фар-мони билан таъсис этилган “Ўзбекистон Кон-



ституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирландилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Кон-ституциясининг 30 йиллиги муносабати билан “Конституция – бахтимиз қо-муси” мавзусида ўтказилган энг яхши ижтимоий видеоматериал танлови-нинг ғолиб ва совриндорлари ҳам тақ-дирландилар.

Бу танловда 9-мактабгача таълим муассасаси мусиқа ўқитувчиси Ёку-той Матқосимова ғолиб чиқди. Темир йўл хизмати кран машинисити Шерёр Аширкулов иккинчи, Электрда пўлат эритиш цехи чилангар-таъмирловчи-си Ботиржон Ҳошимов учинчи ўринни эгаллади.

Тантанали байрамда Metallurglar маданият саройи бадиий ҳаваскор-лари томонидан концерт дастури на-мойиш этилди.



ЯНГИ БОЗОР ЎЗЛАШТИРИЛДИ

Иссиқликни ўтказмайдиган материал-лар ишлаб чиқариш цехида экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу меҳнат жамоасида минерал вата, тикилган матлар ва иссиқлик ўтказмайдиган плиталар ишлаб чиқаришда муваффақиятларга эришиляпти.

Бу маҳсулотлар асосан қурилиш соҳасида ишлатилади. Улар асосида қурилган хонадон-ларда қиш мавсумида иссиқлик уй ичидан ташқарига чиқарилмайди. Ташқаридаги со-вуқни ҳам ичкарига киритмайди. Шунингдек, ёз мавсумида ташқаридаги жазирама иссиқ-ни уй ичига киритмайди ва совутиш тизими-нинг тежаш вариантыда ишлашини таъмин-лайди. Натижада қишда газ, ёзда эса электр энергияси тежалади. Шунинг учун ҳам иссиқ-ликни ўтказмайдиган материалларга истеъ-молчиларнинг эҳтиёжи ошиб бормоқда.

Бугунги кунда цехда тайёрланаётган мине-рал вата, матлар ҳамда плиталар фақатгина

маҳаллий харидорлар эҳти-ёжларини қондирибги-на қолмай, экспортга ҳам йўналтирилмоқда.

Маркетинг ва маҳсулот-ларни сотиш департа-менти ташаббуси билан Иссиқликни ўтказмайдиган ма-териаллар ишлаб чиқариш цехи-да тайёрланаётган маҳсулотларни сотиш учун янги бозорлар ўзлаштирилди. Яқинда цехда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг Қир-ғизистонга экспорти йўлга қўйилди.

Жумладан, 4100 м2 ПП 80, ПЖ 100 ва ПЖ 120 маркадаги плиталар шу давлатнинг “Теплый дом” МЧЖ фирмасига юклаб жўнатилди.

Иссиқликни ўтказмайдиган материаллар ишлаб чиқариш цехи йиллик режа-ни барвақт бажарди. Декабрь ойининг 14 санасида цехда 12 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб йиллик режа муд-датидан олдин ба-жарилди. Айни кун-ларда цех жамоаси режадан ошиқ маҳсулот ишлаб чиқаришда давом этиб, янги йилни юқори меҳнат кайфияти билан кутиб олмоқда.



ЗИЁДИ БИЛАН АДО ЭТИЛДИ

Ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехида тайёрланаётган маҳсулотлар, айниқса, Электрда пўлат эритиш цехи учун жуда муҳим. Ферросилиций ва ферросиликомарганец қора металлургия саноатида пўлатни деоксидловчи сифатида кенг қўлланилмоқда. Улар пўлатнинг мустаҳкамлигини, бардошли-ги ва эгилувчанлигини оширади.

Бу цех замонавий, энергия тежовчи ва илғор технологиялар билан жиҳозланган. У энг замонавий автомат бошқарув тизи-мига эга.

Цехда бу йил ферросилиций маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришилмоқда. Цех жамоаси йил якунига етмасдан белгиланган режани барвақт бажар-ди. 17 минг тонна ўрнига 18 минг тоннадан кўп маҳсулот тайёрланиб, йиллик режа зиёди билан удаланди.





Комбинатда 2022 йилнинг

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 август куни Бекобод шаҳрига, “Ўзметкомбинат” АЖга ташриф буюрди. Давлат раҳбари комбинатда олиб борилаётган ишлар билан танишиб, металлургия соҳасини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Давлат раҳбари металлургия саноатини жадал ривожлантириш учун тўртта асосий вазифани кўрсатиб ўтди. Металл ишлаб чиқарувчи корхоналарни хомашё билан кафолатли таъминлаш, барча ҳудудларда металл ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этилишини қўллаб-қувватлаш, юқори қўшилган қиймат яратадиган саноат тармоқлари учун замонавий металл конструкциялар ишлаб чиқариш ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фан ва инновацияни ривожлантиришни қамраб олган ушбу устувор вазифалар металлургия саноатини замон талабларига мос ривожлантириш учун жуда муҳим саналади. Бу вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида металлургия соҳаси ривожланиш, тараққиётнинг янги босқичига қадам қўяди.



“МЕҲНАТ ШУҲРАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ Золдир прокати цехининг бошқарув пульти оператори Олтиной Карабаева “Меҳнат шўхрати” ордени билан мукофотланди.

КЕНГАШИБ ОЛДИЛАР

“Ўзметкомбинат” АЖ меҳнат жамоасининг 2021 йилда жамоа шартномаси ва унинг иловаларининг бажарилиши бўйича конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда делегатлар 2021 йилда жамоа шартномаси, унинг иловалари бажарилишини қониқарли, деб топдилар.

ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАНДИ

Коронавирус пандемияси сабабли охириги икки йилда оммавий нишонланмаган Ўзбекистон Республикаси Кончилиги ва металлургия саноати ходимлари куни бу йил тантанали равишда ўтказилди.

15 май куни байрам тадбирларининг асосий қисмида “Металлург” марказий стадионида катта концерт дастури ташкил этилди. Байрам концертида Ўзбекистон халқ артистлари Гулсанам Мамазоитова, Гуломжон Ёқубов, Фаррух Зокиров ўзларининг энг сара кўшиқларини куйлашди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Мелена Матмусаева, Алишер Файз ҳамда хушовоз хонандалар Фарҳод ва Ширин, Имрон, Хулкар Абдуллаева кабилар ўз ижодларининг энг сара намуналарини ижро этишди.



ЯНГИ ЛИНИЯ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Навли прокат цехига хориждан термо-мустаҳкамлаш линияси келтирилиб, ишга туширилди. Йилига 500 минг тонна термомеханика усулида мустаҳкамланган диаметри №10 – 36 мм, мустаҳкамлиги эса А500 ва А800 синфига мансуб бўлган арматураларни ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Бу арматуралар халқаро стандарт сертификатини қўлга киритган. Улар темир-бетон конструкцияларида кенг ишлатилади. Қурилишда иссиқликда механик мустаҳкамланган армату-



ралар паст легирланганларнинг муқобили сифатида фойдаланилади. Сифат жиҳатидан тенг бўлган бу маҳсулотларнинг иссиқликда механик мустаҳкамланганининг нархи анча арзон. Мана шунинг учун ҳам бу арматураларнинг харидорлари кўп.

АКЦИЯДОРЛАР КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

Металлургия маданият Саройида 30 июнь куни “Ўзметкомбинат” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда “Ўзметкомбинат” АЖ бошқаруви раиси – бош директор Рашид Пирматов “Ўзметкомбинат” АЖда 2021 йил якуни бўйича эришилган натижалар бўйича ижрочи орган номидан ҳисобот берди.

Бошқарув раиси – бош директор ўтган йилги белгиланган асосий молиявий-хўжалик режалари зиёди билан бажарилиб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ошганлигини, комбинатнинг олган соф фойдаси 1 триллион 471 миллиард 468 миллион сўмни ташкил этганлигини, бу 2020 йилга нисбатан 6,7 бараварга кўплигини таъкидлаб ўтди.

Акциядорлар йиллик умумий йиғилишида кўрилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

СЕРТИФИКАТЛАР БЕРИЛДИ

“Management Certification” халқаро сертификатлаштириш ташкилоти комбинатимизда сифатни бошқариш ва энергетика менежменти тизимларини ISO 50001:2018 ва EN ISO 9001: 2015 халқаро стандартлари бўйича ўрганиб чиқди. Унинг натижаларига кўра комбинатга халқаро мувофиқлик стандартлари бўйича сертификатлар берилди.

Бу сертификатлар комбинатда навли прокат маҳсулотлари, пўлат золдирлар, халқ истеъмолчи моллари, мис ва унинг қотишмала-

ри, иссиқликни ўтказмайдиган материаллар ва ферроқотишмалар ишлаб чиқариш халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган сифатни бошқариш ва энергия менежменти тизими томонидан муваффақиятли ўтганлигидан далолат беради.

51 ФОИЗ УЛУШИ СОТИБ ОЛИНДИ

“Ўзметкомбинат” АЖ “Li Da Metall Technology” МЧЖнинг 51 фоиз улушини сотиб олди. Битим комбинатнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

“Li Da Metall Technology” МЧЖ Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида жойлашган. Корхона 2020 йилда Хитой инвестори томонидан ишга туширилган. Корхона пўлат ва прокатлаш цехларидан, шунингдек ёрдамчи бўлинмалар – металл парчаларни тайёрлаш, электр подстанцияси, сув тозалаш участкаси, кислород-компрессор цехи ва лаборатория кабилардан иборат.

ЮҚОРИ ОМЛИ КОКС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни арафасида Ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехи таркибида юқори омли кокс ишлаб чиқариш участкаси фойдаланишга топширилди.

Участкада комбинатга авваллари хориждан келтирилган ферроқотишмалар ишлаб чиқариш ва электрда пўлат эритиш учун зарур бўлган юқори омли кокс (бойитилган кўмир, юқори электр қаршилигига эга бўлган) тайёрланиши йўлга қўйилди.

Эндиликда участкада тайёрланган юқори омли кокс Ферроқотишмалар ишлаб чиқариш ва Электрда пўлат эритиш цехларининг эҳтиёжларини тўлиқ қондиради.



ЭНГ ЭЪТИБОРЛИ ВОҚЕАЛАРИ

УЛАРНИ ВАТАН ТАҚДИРЛАДИ

“Халқлар дўстлиги куни муносабати билан Навли прокат цехи электр ускуналарини таъмирлаш устаси Сергей Викторович Гечу “Дўстлик” ордени, Мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги арафасида Золдир прокат цехи катта устаси Омонбек Алиматов “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими” фахрий унвони, “Металлургия” шаҳар шифохонаси бош шифокори Зарема Стригина II даражали “Саломатлик” ордени, Энергетика цехининг устаси Исмоил Исроилов “Дўстлик” ордени, билан мукофотланди.



ЕВРОПАГА АРМАТУРА ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

“Ўзметкомбинат” АЖ Литванинг Вильнюс шаҳрида савдо офисини очди. Эндиликда бу офис орқали комбинатда ишлаб чиқариладиган арматура ва симлар Европа бозорига чиқарилмоқда. Юклар Литванинг Клайпеда порти – денгиз орқали, шунингдек, юк машиналари ва темир йўл орқали жўнатиляпти.

“Ўзметкомбинат” АЖ Европа бозори учун барқарор ва узоқ муддатли ҳамкор бўлишни мақсад қилган. Марказий Осиёдаги энг йирик пўлат ишлаб чиқарувчиси бўлган комбинатда барча зарур билим, кўникма ва имкониятлар мавжуд.

ЭНГ ЯХШИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ КОМПАНИЯ

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция институтлари миллий ассоциацияси томонидан Ўзбекистон капитал бозорининг профессионал иштирокчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. 17 та номинация бўйича ғолибларни аниқлашда компанияларнинг 2021 йилдаги фаолиятининг натижалари ҳисобга олинди.

Танловда “Ўзметкомбинат” АЖ 2021 йилда “Энг яхши корпоратив бошқарув” номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

ҚОНИҚАРЛИ, ДЕБ ТОПИЛДИ

“Ўзметкомбинат” АЖда 2022 йил биринчи ярим йиллигида жамоа шартномаси ва унинг иловаларининг бажарилишига бағишланган меҳнат жамоасининг конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда 2022 йил биринчи ярим йиллигида жамоа шартномаси ва унинг иловаларининг бажарилиши бўйича “Ўзметкомбинат” АЖ бошқаруви раиси – бош директор Рашид Пирматов ва Касаба уюшмаси қўмитаси раиси Иброҳим Қодиров ҳисоботлари тингланди. Маърузаларда комбинатнинг ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий соҳалари тўлиқ қамраб олинди.

Анжуманда жамоа шартномаси, унинг иловалари бажарилиши қониқарли, деб топилди.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИЛДИ



Тошкент Республика Фонд Биржасида “Ўзметкомбинат” АЖнинг акцияларини қўшимча оммавий жойлаштиришга (ФПО) тайёргарлик кўриш бошланишига бағишланган тақдимот муваффақиятли ўтказилди.

Тақдимотда Республика Молия вазири ўринбосари О. Исаков, “Ўзметкомбинат” АЖ бошқарув раиси Р. Пирматов, бошқарув раисининг биринчи ўринбосари – Ижрочи директор Д. Аҳмедов, бошқарув раисининг ўринбосари – Молия директори Т. Будей ва AFC Uzbekistan Fund инвестиция менежери Скотт Ошерофф

бўлажак инвесторлар олдида сўзга чиқишди. “Ўзметкомбинат” АЖнинг қўшимча акцияларини оммавий жойлаштиришнинг (ФПО) андеррайтери “Avesta Investment Group” ҳисобланади. К. Срапионов инвестиция ҳамжамияти вакиллари, тижорат банклар, суғурта компаниялар ва хорижий инвесторларга “Ўзметкомбинат” АЖ акцияларини жойлаштириш режалари ва муддатлари, ташкилотчи томонидан унинг жараёни ва шартлари ҳамда жойлаштириш истиқболлари ҳақида сўзлаб берди.



ЖАДАЛЛИК БИЛАН ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Қуюв-прокат мажмуаси қурилиши бу йилдан жадаллик билан олиб борилмоқда. 2024 йилда ишга туширилиши режалаштирилган Қуюв-прокат мажмуасида янги, замонавий техника ва технологиялар ишлаб чиқаришга жорий қилинади. Бу мажмуа ишга тушганидан сўнг комбинатда маҳсулот ишлаб чиқариш икки бараварга ошади.

ФОЙДАЛИ АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Халқаро даражадаги етакчи иқтисодчилар, нуфузли инвесторлар ва халқаро экспертларни жамлаган II Ўзбекистон иқтисодий форуми Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистоннинг келгуси беш йиллик тараққиёт стратегияси, иқтисодий имкониятлари, дунё ҳамжамияти билан ҳамкорлиги ва ривожланиш тенденциялари, ишбилармон доиралар, хорижий корхоналар вакиллари ҳамкорлигини ўрнатиш ҳамда инвесторларни жалб қилиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.



Форумда “Ўзметкомбинат” АЖ вакиллари ҳам иштирок этди. Форумда комбинат вакиллари инвесторлар билан учрашувни ташкил этилди. Комбинат фаолияти тақдироти ўтказилди.

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ

Мустақиллик шарофати билан чоп этила бошлаган “Металлург минбари” газетасининг илк сони босмадан чиққанига 7 март куни 30 йил тўлди. Газета юбилейи тантанали равишда нишонланди.

МАҲСУЛОТЛАР ТАҚДИМОТИ



Навоий шаҳридаги “Gidro stanko servis” МЧЖ павильонида ҳудудий тармоқларaro саноат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда республиканинг турли вилоятларидаги 1500 дан зиёд корхона ўзларининг 3800 га яқин маҳсулотлари билан қатнашди.

Мазкур ярмаркада “Ўзметкомбинат” АЖ ҳам маҳаллийлаштириш ва импорт маҳсулотлари намуналари билан иштирок этди. Ярмарка давомида ушбу маҳсулотлар тақдироти ўтказилди.

“РЕАЛ” БИЛАН ҲАМКОРЛИК

“Металлург” футбол клуби қошидаги “El Golazo Academy Powered by Real Madrid Foundation” футбол академиясининг тарбияланувчи ва мураббийлари Испанияда бўлишди. Улар жаҳоннинг энг машҳур ва кучли жамоаларидан бири Мадриднинг “Реал” клуби футбол академиясининг малакали мураббийлари билан машғулотларда ва маҳаллий жамоалар билан бир қатор ўртоқлик ўйинларида иштирок этдилар.



НОГИРОНЛАР КЎНГЛИНИ ШОД АЙЛАБ

Мамлакатимизда ногиронлар дуч келаётган муаммоларни яхшироқ тушуниш, уларни бартараф этиш, кадр-қиммати, ҳуқуқларини ҳимоялаш, турмуш шароитларини яхши-лашга алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, бу тоифа инсонларнинг соғлигида муаммоси бор бўлгани боис имкониятлари чекланган ва моддий шароити ҳам талаб даражасида эмас. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали жамиятнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги фаоллигини таъминлашга эришиш мумкин.

Халқимиз азал-азалдан ёрдамга муҳтож, имконияти чекланган инсонларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни жамиятда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган энг муҳим қадриятлардан бири сифатида эъзозлаб келади. Ана шундай эзгу анъаналаримизни бугунги замон талаблари асосида ривожлантириш мақсадида сўнгги йилларда мамлакатимизда имконияти чекланган фуқароларимизни қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур барча шароитларни яратиш борасидаги давлат сиёсати янги босқичга кўтарилмоқда.

“Ўзметкомбинат” АЖда имконияти чекланган фуқароларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш яхши анъанага айланган. Жумладан Бекобод шаҳри ва туманининг ногиронлар ҳамда кўзи ожизлар жамият-



ларига ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиб келинмоқда.

Бекобод шаҳар ногиронлар жамиятига – болалар учун янги йил совғаси ажратилди, Наврўз байрам дастурхони ташкил этилишига ёрдам кўрсатилди. Электрда пўлат эритиш цехи рўпарасида жойлашган собиқ касб хунар-билим юртининг эски биноси комбинат томонидан сотиб олиниб, беғараз ёрдам тариқасида ногиронлар учун тортиқ қилинди. Саховатпешалар томонидан мукамал таъмирланган бу бинодаги хоналар ногиронлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган кексалардан 60 нафарига бепул берилди.

Комбинат томонидан Бекобод шаҳри ва тумани кўзи ожизлар жамиятига ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатилмоқда. Ўзбекистон кўзи ожизлар

жамияти Тошкент вилояти бошқармаси раҳбари Замира Раҳимова Халқаро Кўзи ожизлар куни муносабати билан Бекобод шаҳрида ўтказилган тадбирда кўмаклари учун “Ўзметкомбинат” АЖга ҳам ўз миннатдорчилигини билдирди.

Халқаро ногиронлар куни ҳамда яқинлашиб келаётган янги йил муносабати билан ногиронлиги бўлганларга байрам совғаси олиш, уларнинг кўнгилларини кўтариш мақсадида Бекобод тумани ногиронлар жамиятига ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Комбинат касоба уюшмаси кўмитаси томонидан Metallurglar маданият саройида 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан хайрия концерти ташкил этилди.

Мазкур концертда маданият саройининг “Парвоз”, “Супер детки”, “Брек деанс”, “Янги аср”, “Наво”, “Зарб” тўғарақлари ҳамда “Дурдона” мақомчилар ансамбли, “Бахтиёр бувижонлар” фольклор жамоаси ҳамда “Любава” славян кўшиқлари ансамбли ўз дастурларини намойиш этишди.

“Орзу” тантаналар уйида эса “Ўзметкомбинат” АЖ қошида ташкиллаштирилган “Меҳржон” имконияти чекланган ўғил-қизлар жамоаси учун байрам дастурхони ёзилди.

Байрам тадбирида “Metallurglar” маданият саройининг “Парвоз” жамоаси рақслари билан болажонларга маданий ҳордиқ улашди. Ҳомийлар томонидан уларга совға-саломлар улашилди.

Халқаро ногиронлар куни мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллаб, жамиятимизда эзгулик, меҳр-оқибат, гуманизм ғояларини янада чуқур қарор топтиришга хизмат қиладиган муҳим саналардан бири бўлиб қолмоқда.



ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ АСОСИЙ ИМЛО ҚОИДАЛАРИ

ҚЎШИБ ЁЗИШ

38. **Хона, nota, роуа, бор, ham, baxsh, kam, umum, rang, mijoz, sifat, talab** каби сўзлар ёрдамида ясалган қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: qabulxona, tabriknoma, taklifnoma, bedaroua, ommabop, xushxabar, hamsuhbat, ogombaxsh, kamquvvat, bug'doyrang, umumxalq, sovuqmijoz, devsifat, suvtalab каби.

39. **-(а)г** (инкор шакли — **-mas**) қўшимчаси билан тугайдиган қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: o'rinbosar, otboqar, cho'lquvar, ishyoqmas, qushqo'nmas каби.

40. Такрор тақлид сўзларга қўшимча қўшиб ёзилади: pig'pirak (pig'pir+ak), bizbizak (biz-biz+ak), hayhayla (hay-hay+la), gijgijla (gij-gij+la) каби.

41. Нарсани (предметни) бошқа бирор нарсага нисбатлаш (қиёслаш), ўхшатиш йўли билан билдирувчи қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: karnaugul, qo'ziqorin, otquloq, oybolta, devqomat, sheryurak, bodomqovoq, qirg'iyko'z каби.

42. Нарсани унинг ранги, мазаси, ўзидаги бирор нарсаси ва шу каби белгилари асосида билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: olaqarg'a, qizilishton, achchiqtosh, mingoyoq каби.

43. Нарсанинг бирор мақсад, иш учун мўлжалланганлигини билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: kirsovun, q'iymataxta, tokqaychi, oshrayhon, molqo'ra, nosqovoq, ko'zoynak каби.

44. Нарсани жойга нисбат бериш

асосида билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: tog'olcha, cho'lyalpiz, suvilon, qashqargul каби.

45. Маросим, афсона кабиларни билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: kiryuvidi, kelintushdi, qoryog'di, urto'qmoq, ochildasturxon каби.

46. Қаратувчили бирикманинг бир сўзга айланиши билан юзага келган қўшма отлар қўшиб ёзилади: mingboshi, so'zboshi, olmaqoqi каби.

47. Иккинчи қисми турдош от билан ёки obod сўзи билан ифодаланган жой номлари қўшиб ёзилади: Yangiyo'l, To'rtko'l, Mirzacho'l, Sirdaryo, Kosonsoy, Yangiobod, Xalqobod каби. Лекин иккинчи қисми атоқли от бўлган жой номлари ажратиб ёзилади: O'rta Osiyo, Ko'hna Urganch, O'rta Chirchiq каби.

48. Рус тилидан айнан ўзлаштирилган ёки сўзма-сўз таржима қилиш йўли билан ҳосил қилинган қўшма сўзлар қўшиб ёзилади: kinoteatr, radiostansiya, fotoapparat, elektrotexnika, teleko'rsatuv, yarimavtomat, bayramoldi, suvosti каби.

49. Қисқартмаларнинг барча турлари ва уларга қўшилаётган қўшимчалар қўшиб ёзилади: SamDU, ToshDU каби. Лекин ёнма-ён келган икки қисқартма ажратиб ёзилади: O'zXDP MK (O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi markaziy kengashi) каби.

50. Бир товуш икки ва ундан ортиқ товуш тарзида айтилса, бундай ҳолат ҳарфни такрор ёзиш билан кўрсатилади: yo'o'q, nimaа, himm, ufffi каби.

Ёнғинлар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун юртимизда жорий йилнинг 15 ноябридан 15 декабрига қадар “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилди. Шу муносабат билан “Ўзметкомбинат” АЖда ёнғин хавфсизлиги талабларини тарғиб қилиш, бу борада ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш бўйича режа асосида корхонанинг цех ва участкаларида, ижтимоий соҳа объектларида турли профилактик тарғибот тадбирлари, учрашувлар ташкил этилди.

ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Ойлик доирасида корхона ишчи-ходимларига ёнғин ўчириш техник асбоб-анжомлари тўғрисида тушунчалар берилиб, ёнғин содир бўлганда ходимларнинг хатти-ҳаракати, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан самарали фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Иситиш мавсумида ёнғинлар, ис газидан заҳарланиш ва ҳаво-газ аралашмасининг чақнаши билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида ходимларимиз металлурглар ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бордилар.

Амалга оширилган тадбирлардан кўзланган мақсад металлурглар, аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишда уларни жалб қилишдан иборат. Тилсиз ёв билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. “Ўз уйингни ўзинг асра” деган шиор ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқлидир.

Бобур СУЛХОНОВ,
“Ўзметкомбинат” АЖ
ОЁХТТЭБ инспектори
лейтенант.





ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ – ЮРТ ИФТИХОРЛАРИ

Мамлакатимиз бўйлаб "Янги Ўзбекистон – инсон қадрини улуғлаган юрт" шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Бу тадбирлар доирасида Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Тошкент вилояти бўлими томонидан "Ўзбекистон қаҳрамонлари" китоб-альбомининг тақдироти шахримизда ташкил этилди.

Мазкур китоб-альбом миллатимиз қаҳрамонларига эҳтиром сифатида яратилди. Унда Ватанимиз тараққиётига беқиёс ҳисса қўшиб, "Ўзбекистон Қаҳрамони" юксак унвони ҳамда "Олтин Юлдуз" медали билан тақдирланган бир юз уч нафар юртдошимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Мазкур китобда ҳаётнинг турли синовларига қарамай сабот билан меҳнат қилиб, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилган давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, ишчи-хизматчилар, устозлар, деҳқон, чорвадорлар, санъат ва маданият ходимлари, барча жабҳаларда олиб борилаётган юксак бунёдкорлик ишларида доимо камарбаста бўлган замондошларимизнинг умр йўллари акс этган.

Китоб тақдироти олдидан Ўзбекистон Қаҳрамонлари шахримиз билан яқиндан



танишишди ва комбинат тарихи музейига ташриф буюришди. Шундан сўнг, қаҳрамонларимиз Metallurgлар маданият саройида ташкиллаштирилган тадбирда иштирок этишди.

Тадбирда "Ўзбекистон қаҳрамонлари" китоб-альбомидан жой олган вилоятимиз қаҳрамонлари ҳам иштирок этишди. Шуниси қувончлики, вилоятимизда Бекобод шаҳридан қаҳрамонлар кўп экан. Бу қаҳрамонларнинг барчаси бекободлик металлургиянинг ҳамкасблари – Абдурахмон Абдураззоқов, Олим Тўйчиев, Александр Фармонов. Улар комбинатимиз фахрлари. Шунингдек, Олмалиқ

шаҳридан Жонсаид Турдиев, Паркент туманидан Тожибой Ризаев, Чирчиқ шаҳридан Тўлқин Ибрагимов сингари қаҳрамонлар ҳам ҳамкасбларимиз каби вилоятимиз, мамлакатимиз ифтихорлари. Уларнинг Ватан равнақи, эл фаровонлиги, фарзандлар тарбияси йўлида баҳшида бўлган шарафли умр йўллари ёшлар учун ибрат мактабини ўтайди.

Тадбирда сўзга чиққанлар "Ўзбекистон Қаҳрамонлари" китоб-альбоми чоп этилганлиги, унда Мустақиллик йилларида 103 нафар қаҳрамон – истиқлол ғояларининг ҳаётини ҳақиқатга айланишида жонбозлик қилган олимлар, ишчи-ю хизматчилар, устозлар, деҳқон-у чорвадорлар, санъат ва маданият ходимлари, хуллас барча жабҳаларда юқори натижаларга эришган ватандошларимиз борлиги, улардан 7 нафари айнан Тошкент вилоятидан эканлигини фахр ва ифтихор билан таъкидлашди.

Тадбирда "Ўзбекистон Қаҳрамонлари" китоб-альбомига киритилган 7 нафар Тошкент вилояти вакиллари ва уларнинг оила аъзоларига эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди. Улар кўрсатган фидойилик ҳамда матонат учун ташаккур изҳор этилди.



ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНИШДИ

Комбинат Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ишчи-ходимлар ўртасида "Касаба уюшмаси менин ҳаётимда" мавзусида "Энг яхши мақола" танлови эълон қилинган эди. Мазкур танловда "Иккиламчиқораметаллар" департаменти етакчи муҳандис технологи Раҳимжон Султонов мақола танловда биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

Жисмоний хавфсизлик бошқармасига қарашли руҳсатномалар бюроси навбатчиси Шухрат Абдуразоқов иккинчи, Ижроия аппарати ахборот технологиялар департаменти дастурловчиси Турсунбой Шукуров учинчи ўринни эгаллади.

Комбинат Касаба уюшмаси қўмитасида танлов ғолиблари тантанали суръатда тақдирланишди. Касаба уюшмаси қўмитаси раиси Иброҳим Қодиров иштирокчиларни ғолиблик билан табриклаб, уларга Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан диплом ва пул мукофотларини топширди.

МЕҲНАТ МУНОСИБ ҚАДРЛАНСА...

ИМТИЁЗЛАР КЎПАЙСА КЎПАЯДИ, ЛЕКИН КАМАЙМАЙДИ

Комбинатда ишлайдиган ҳар бир ишчи-ходим ижтимоий ҳаёти Касаба уюшмалари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини яхши ҳис қилади. Чунки, уюшма томонидан ташкил этиладиган турли тадбирлар, бериладиган имтиёзлар барчани ўзига қамраб олади. Бу тадбирларда ҳар бир ишчи-ходим ёшидан қатъий назар ўз иқтидорини турли соҳаларда синаб кўриши, ҳали ўзи учун ҳам очилмаган қирраларини очиш имкониятига эга бўлади.

Мисол учун: спортнинг қайсидир турида ўзингизни моҳир деб биласизми, марҳамат, байрамлар муносабати билан мунтазам ўтказиб бориладиган турли спорт ўйинларида қатнашинг! Ўзингизни зукко, билимдон, машҳур детектив Шерлок Холмснинг издоши, деб биласизми, унда келинг, ҳар йили ўтказилувчи "Заковат" интеллектуал ўйинларида билим синашиб кўраминг! Санъатга шайдомисиз, театр тамошаларига борганингизда, фильмлар томоша қилганингизда менда ҳам актёрлик маҳорати бор, деб ҳисоблайсизми? Қани кўрқмай, уялмай, Metallurgлар маданият саройидаги тўғарақларга ёзилинг.

Меҳнатингиз заҳматидан, қийинчиликларидан дам олмоқчисиз. Бахтимизга комбинатимизнинг азим тоғлар қўйнида, "Чорбоғ" сув омбори бўйида жойлашган пансионати бор. Бемалол Касаба уюшмадан йўлланма олиб оилангиз билан у ерда дам олишингиз мумкин.

Соғлигингизни мустақамлашга эҳтиёжингиз бор дейлик. Муаммо йўқ, комбинатнинг санаторий-профилакторийси бор. Комбинатда йиллаб меҳнат қилиб, пенсияга кетганингиздан кейин ҳам унитилмайсиз. Имтиёзларингиз кўпайса кўпаяди, лекин камаймайди! Яратганга шукр!

Мен Касаба уюшмамиз томонидан мазкур имтиёзлар қадрини ўзимда ҳис қилиб кўрганман! Қандай қилиб дейсизми?

КОМБИНАТДАГИ ИМТИЁЗЛАРНИ БОШҚА ЖОЙЛАРДА ТОПИШ ҚИЙИН

Олийгоҳни битириб келганимдан сўнг комбинатда бир неча йил меҳнат қилдим. Сўнгра баъзи бир сабабларга кўра "Ўзметкомбинат" дан кетиб уч йил давомида Тошкентдаги бир нечта хусусий корхоналарда ишлашимга тўғри келди. Охирги ишлаган корхонам, ўзини дунё миқёсидаги корхоналарга тенглаштирувчи, ривожланиб бораётган хусусий корхона эди ("АРТЕЛ" компаниялар гуруҳи)! Аммо, ҳатто у жойда ҳам "Ўзметкомбинат" АЖ Касаба уюшмаси томони-

дан ишчи ва ходимларга яратиб берилётган қулайликлар, имтиёзларнинг ўндан бири ҳам тақдим қилинмайди. Чунки уларда Касаба уюшмасининг ўзи йўқда! Гапимга шубҳа қилсангиз бориб, текшириб кўришингиз мумкин. Чунки мен ҳам буни жонажон шаҳримдан, комбинатимдан кетиб, пойтахтга бориб, меҳнат қилиб кўрганимдан сўнг билдим! Шундай хулосага келдимки, хусусий корхоналарда сиздан фақат меҳнатингиз талаб қилинар экан. Саломатлигингиз, ижтимоий ҳолатингиз, хоҳиш-истакларингиз унча қизиқтирмас экан!

Эҳ, у ерларда тинимсиз ишлашдан чарчаб, зерикиб, "Ўзметкомбинат" АЖда Касаба уюшмаси томонидан уюштирилган спорт мусобақалари ва турли тадбирларни жуда соғинардим. Ахир бу мусобақаларда биз комбинат ишчилари бир-биримиз билан дўстлашардик, руҳан янада яқинлашардик, ўзимизни катта бир оиладек ҳис қилардик! Шу сабаб маоши яхши бўлиши, нуфузли корхона, яхши лавозимда ишлашимизга қарамай, мен ва менинг қисматдошларим яна имконият туғилиши билан комбинатга қайтдик!

ИМКОНИАТЛАР ҚАДРИНИ УЛАРНИ ЙЎҚОТГАНИНГИЗДА БИЛАСИЗ

Ҳозирда комбинат Касаба уюшмаси замон билан ҳамнафас ҳолда, бир қолипда қотиб қолмасдан, ишчи-ходимлар учун яна янги қулайликлар яратиш устида, ишчиларнинг меҳнатдан ташқари ижтимоий ҳаётига ранг-барангликлар қўшиш устида салмоқли ишлар олиб боришмоқда. Улардан менга ҳам жуда маъқул бўлганларидан бири – пойтахтимизнинг энг талабгор театр томошалари ва концерт дастурларига ишчи-ходимлар учун ташкил этилаётган саёҳатлари деб биламан. Ишонаманки, бу хали ҳаммаси эмас, Касаба уюшмамиз жамоаси бизларга бундан ажайиб, кўнгилочар тадбирларни, янгиликларни тўғра қилишади!

Ҳой ҳамкасбларим, комбинатдан, Касаба уюшмасидан норози юрган, пойтахтдаги бирор маоши кўпроқ корхонада ишлашга орзуманд бўлиб юрган дўстларим: шовилманг, ношукр бўлманг, бу ерда яратилган имкониятлар, имтиёзларнинг қадрини уларни йўқотганингизда биласиз.

Сизга озми-кўпми ҳаётини тажрибаси бор инсонлик маслаҳатим: ўз устингизда ишланг, вақтингизни беҳуда нарсаларга эмас, билим олишга, маънавий ва жисмоний юксалишга, жамиятга, меҳнат жамоангизга фойдали шахс бўлишга сарфланг! Шунда комбинатимизнинг ҳам, шахримизнинг ҳам, ватанимизнинг ҳам ривожланишига, равнақ топишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Раҳим СУЛТОНОВ,



БОШЛАРИ ДЕВОРГА УРИЛМАГУНЧА КЎЗЛАРИ ОЧИЛМАДИ

Ҳаётнинг ҳеч қачон ўзгармайдиган қонунияти бор: яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам ажри бор. Яъни яхшилик қилган киши албатта, мукофотини олса, ёмонлик, қинғирлик ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Бунга ҳаётдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

ҒАРАЗЛИ РЕЖА

Алишер Жабборов ва Шаҳбозжон Исмаилов ҳам ҳар қандай қинғирлик жазосиз қолмаслигига ўзлари мисолида амин бўлишди. Улар осон йўл билан, ҳаттоки ноқонуний бўлсада пул топиб, мазза қилиб яшашни орзу қиладилар. Бу орзулари аста-секин уларнинг мақсадларига айланди. Бу мақсад уларни бирлаштиради. Икковлон режа тузишади. Уларнинг фикрича “Ўзметкомбинат” АЖга келтириладиган қора металл парчаларини ўғирлаш осон ва даромадли ишдек кўринди.

Қора металл парчаларини қаердан ва қандай ўғирлаш режасини ишлаб чиқадилар. Ўзларича тузган режалари хатосиз бўлиб, бундан яхшигина даромад олишларини ҳисоблаб чиқишади. Бироқ ҳаёт қонун-қоидасини ҳисобга олишмайди. Яъни жиноят албатта очилишини, унинг жазосиз қолмаслигига эътиборларини қаратишмайди. Бу қонун-қоида улар учун эмас, оддий бир гап-да, деб ўйлашади.

Бироқ кейинги воқеалар уларнинг ноҳақ эканлигини кўрсатди.

Фойда ўрнига ПУШАЙМОНЛИК...

Жорий йилнинг 12 октябрь куни А. Жабборов ва Ш. Исмаилов мўмай даромад топиш мақсадида ўз режаларини амалга оширишга киришадилар. Улар усти ярим очиқ вагонлардан қора металл парчаларини ўғирламоқчи бўлиб ишга киришадилар.

Ҳамма ухлаган вақт, тунда ими-жимиди ишларини битириш учун йўлга чиқадилар.

Темир йўлга етиб келганларидан сўнг қора металл парчалари ортилган вагонлар келишини пойлаб туришади. Бу орада атрофни синчиклаб текширишади. Ўзлари учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнг вагонлардан қора металл парчаларини қаерга ташлашни белгилаб оладилар.

Бу орада вагонлар ҳам кўриниб қолади. Тахминан соат 01.30ларда “Қарши-Бекобод” темир йўл йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган усти ярим очиқ вагонга чиқишади. Улар бу вагонлардан умумий баҳоси 1 552 500 сўм бўлган 621 килограмм қора металл парчаларини пастга отиб туширадилар.

Ишлари силлиқ кетаётганидан, даромадлари ошиб бораётганидан ўзларича хурсанд бўлишади. Бироқ бу хурсандчиликлари узоққа бормади. Уларнинг пухта тузган режалари фош бўлди. Натижада бу қинғир ишлари уларга мўмай пул эмас пушаймонлик келтирди.



ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

22 ноябрь куни жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида бу маъмурий ишни кўриб чиқди. Айбланувчилар қилган ишларига иқдор бўлишди. Бу ишларидан пушаймон эканликларини, моддий аҳволлари оғирлигидан, пулга муҳтожлигидан қилганликларини айтишди. Бундан буён бу ҳолат бошқа такрорланмаслигига қайта-қайта ваъда беришди.

Судда уларга айбларига яраша тегишли маъмурий жазо тайинланди.

Далилий ашё тариқасида олинган 621 килограмм қора металл парчалари “Ўзметкомбинат” АЖга қайтариб топширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қинғир иш инсонга фақат ва фақат ташвиш келтиради. Бунинг ҳаётий мисоллари кўз ўнгимизда ҳар қанча намоён бўлмасин, мана шундайларнинг боши деворга урилмагунча кўзи очилмайди. Энди улар қилмишларидан тўғри хулоса чиқариб, келгуси қадамларини ўнглаб боссалар, ўзлари учун фойдадан холи бўлмайди.

Фарҳод ЗОКИРОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Бекобод шаҳри суди судъяси.

ЁТ ҒОЯЛАР ТАЪСИРИДАН ЁШЛАРНИ АСРАЙЛИК!

“Оммавий маданият”нинг зарарли таъсири турмушимизга селдек кириб келаётир ва миллий қадриятларимизни қадрсизлантиришга уриниб кўрмоқда. Унинг замирида биздек ўйла, бизга қулоқ сол, биз каби яша ва умуман бизга эргаш ҳамда бизга бўйсун, деган яширин мақсад ётади.

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ САҚЛАЙЛИК!

XIX асрда яшаб ижод этган француз ёзувчиси Маркез Десентнинг 1985 йилда нашр этилган “Фоҳишахоналар манзараси” асарида бу мақсад аниқ ва очиқ-ойдин ифодаланган эди: “Биз, французлар, дунё халқларига ҳукмронлик қилишимиз керак, бунинг учун аввало уларнинг миллий маданиятини ўлдириб олишимиз муҳимдир”. Шунинг учун ғаразли мақсадларда бизга тикиштириладиган “эркинлик”ларга лаққа тушиб, гўзал миллий қадриятларимиздан жудо бўлиб қолмасликнинг ҳаракатини қилишимиз шарт. Зеро, қадриятларимизнинг маънавий дунёси хилма хил ва жуда ҳам бой. Диёнат, ор-номус, шарм-ҳаё, иззат-икром, меҳр-оқибат, уят ва андиша шулар жумласидандир.

Миллий ғурури, орияти бор одам уларни албатта эъзозлаши шубҳасиз. Хўш, ахборот хуружлари тобора хавфли тус олаётган даврда бундай тарғиботлардан қандай йўллар билан сақланиш керак? Бунинг учун ўзликни англаш ва сақлаш керак. Инсон халқининг тарихини, маънавият-маърифатини, қадриятларини яхши билиши зарур. Уларни кўп китоб, газета ва журналлар ўқиш орқали билиш мумкин. Улар ўзликимизни англашда асосий қуроолларимиз қаторида туради. Ўзини англаган инсон ҳеч қачон ўзликни йўқотмайди. Инсонийликни қўлдан бермайди. Афсуски, ҳозир қўлида китоб ёки газета, журнал кўтариб юрганлар камайиб қолди.

ЁВУЗ КУЧЛАР НИМАДАН ҒОДАЛАНИШМОҚДА?

Бизнинг замонда дунёда ахборот полигонлари пайдо бўлди. Уларнинг асосий мақсади, ёшлар

онгини ўз билганларича бошқариш, тафаккурига эгалик қилиш, бир сўз билан айтганда, манқуртга айланттиришдир.

Бунинг учун турли усуллардан кенг фойдаланмоқда. Бугунга келиб катта-ю кичик, саводли-ю саводсиз кўлидаги телефонига кўп вақтини сарфлайди. Бундан қора ниятли кучлар усталик билан фойдаланишмоқда. Натижада оммавий маданият тарғиботи асосан ижтимоий тармоқлар орқали кириб келмоқда.

Шунинг учун ҳамиша огоҳ бўлиш, ёт ғояларни тарғиб этаётганларни нималардан фойдаланаётганини билиш, уларнинг кучига тўғри баҳо бериш, уларга қарши кескин курашиш керак.

Бу борада, айниқса, ёшлар ва болаларга кўпроқ эътибор қаратиш зарур. Чунки уларни қай томонга етакласанг ўша ёққа кетишини ғаразли мақсадли кимсалар жуда яхши билишади. Шу боисдан ёшларда миллий ғояга масъулият ҳиссини тарбиялаш, миллий қадриятларимизга эъзоз-эътиборни янада кучайтириш уларни боши берк кўчаларга кириб қолишдан сақлайди.

ОГОҲЛИК ДАВР ТАЛАБИ

Қадрли металлурглар!

Фарзандларингизнинг кимлар билан вақт ўтказаятганлигини, қўлидаги телефондан қандай фойдаланаётганлигини албатта назорат қилиб боринг! Булар оддий гап эмас. Ёшлар оммавий маданият каби диний экстремистларнинг таъсирига ҳам тушиб қолишлари мумкин.

Маълумки, сўнгги йилларда диний ўзларига ниқоб қилиб олган оқимлар, тоифалар пайдо бўлди. Ислоҳ таълимоти бузғунчиликни, одамлар қалбига ваҳима, душманлик ва фитна уруғларини сочишни қаттиқ қоралайди.

Ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида бузғунчилик, бегуноҳ одамлар қонини ноҳақ тўкиш

каби жиноятларни авж олдириб, фуқаролар тинчлигини бузиб, халқ орасида низо чиқаришга ҳаракат қиладиган ёвуз кучлардан эҳтиёт бўлиш давр талаби. Бундай кимсаларга нисбатан Қуръони каримда “Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюрар, ҳамда бузғунчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтарур. (У) эслатма олурсизлар, деб сизларга насихат қилур”-деб марҳамат қилинади. (Наҳл сураси 90-оят).

Жуда аниқ ва тушунарли баён этилган. Лекин шунга қарамай баъзи ёшлар билимсизликларидан, фикрлари торлигидан фаолиятлари бу оятга тескари бўлган диний экстремистларнинг тузоғига тушиб қолмоқда.

ЁШ ҚИЗ НЕГА ҚАМАЛДИ?

Яқинда 18 ёшли тошкентлик қиз 5 йилга қамалди. У телефони орқали экстремистларнинг радикал ғоялари таъсирига тушиб қолади. Натижада Сурияга кетиш учун ота-онасига билдирмай хорижга чиқиш паспортини олади. Жамдон харид қилиб, кийимларини жойлаб қўяди. Экстремистлар сафига қўшилиш учун кетмоқчи бўлиб турганида ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қўлга олинади.

Бу ҳолат назоратсиз, яна қўлига телефон бериб қўйилган ёшлар билан содир бўлиши хавфи катта. Аксарият ёшлар ғаламислар қўйган қопқонга тушунмасликлари мумкин.

Сизларнинг ҳам фарзандларингиз билан ҳам шундай ҳолатлар содир бўлмаслиги учун эҳтиёт бўлинг. Уларнинг қўлига китоб, газета ва журналлар беринг. Қадриятларимизга, тарихимизга уларда ҳурмат ва қизиқиш уйғотинг.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлашни мунтазам уқтириш ёшларимизнинг хушёрлигини оширади, миллий қадриятларимизга бўлаётган тажовулардан ҳимояланиш имконини беради.

Абдусалом АБДУЛЛАЕВ.



PIROTEKNIKALARDAN FOYDALANGANLARGA QANDAY CHORALAR KO'RILADI?

Yangi yil yaqinlashgani sayin odamlarda taqiqlangan bo'lsa, piroteknika vositalariga bo'lgan qiziqish kuchayadi. Piroteknika vositalaridan foydalanganlarga qanday choralar ko'rilishi haqida ma'lumot bersangiz?

Sh. Qodirov.

Piroteknika buyumlarining qonunga xilof muomalasi uchun javobgarlik ko'zda tutilgan. Xususan, Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksning 1851-moddasiga muvofiq, piroteknika buyumlarini qonunga xilof ravishda ishlab chiqarish, tayyorlash, saqlash, tashish, jo'natish, ulardan foydalanish, xuddi shuningdek, ularni qonunga xilof ravishda O'zbekiston Respublikasiga olib kirish yoki olib chiqishda huquqbuzarlik ashyolari musodara qilinadi. Shuningdek, aybdorlarga bazaviy hisoblash miqdorining besh baravari (1,5 million so'm) dan yigirma baravarigacha miqdorda (6 million so'm) jarima solinadi. Jinoyat kodeksining 2501-moddasida esa bunday qilmishlar sodir etganlar uchun uning kim tomonidan sodir etilgani va qanday oqibatlariga olib kelganligiga qarab turli jazo choralarini, jumladan, sakkiz yildan o'n yilgacha ozodlikdan mahrum qilish jazosi qo'llanishi ko'zda tutilgan.

KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISHGA YORDAMLASHGANLAR MUKOFOTLANADIMI?

Korrupsiyaga qarshi kurashishga ko'maklashgan shaxslar ni davlat himoyasiga oladi deb eshitgan edik. Ularga pul tarzida ham mukofot beriladimi?

N. Tursunboev.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Korrupsiyaga oid huquqbuzarlik haqida xabar bergan yoki korrupsiyaga qarshi kurashishga boshqa tarzda ko'maklashgan shaxslarni rag'batlantirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori 2020 yil 31 dekabrda qabul qilingan. Bu qarorda aholining korrupsiyaga qarshi kurashishdagi faolligini yanada oshirish hamda ularni ushbu sohaga qo'shayotgan hissasi uchun munosib taqdirlash belgilangan.

Korrupsiyaga oid huquqbuzarlik haqida xabar bergan yoki korrupsiyaga qarshi kurashishga boshqa tarzda ko'maklashgan shaxslar bazaviy hisoblash miqdorining uch baravaridan yigirma besh baravari miqdorida bir martalik pul mukofoti bilan rag'batlantiriladi. Bunda pora summasi yoki yetkazilgan zarar yoxud o'zlashtirilayotgan (o'zlashtirilgan) mulkning qiymati, jinoyat turi kabilarga qaraladi.

Shuningdek, pora summasi yoki yetkazilgan zarar yoxud o'zlashtirilayotgan (o'zlashtirilgan) mulkning qiymati bazaviy hisoblash miqdorining yuz baravaridan ko'p bo'lsa bu jinoyat uchun xabar berganlarga rag'batlantirishda alohida hisob yuritiladi. Bunda pora summasi yoki yetkazilgan zarar yoxud o'zlashtirilayotgan (o'zlashtirilgan) mulk qiymatiga qarab uning o'n va o'n besh foizi miqdori korrupsiyaga oid huquqbuzarlik haqida xabar bergan yoki korrupsiyaga qarshi kurashishga boshqa tarzda ko'maklashgan shaxslarga rag'batlantirish uchun beriladi.

Shu bilan birga "Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida"gi qonunning 28-moddasida belgilanganidek, korrupsiyaga oid huquqbuzarliklar to'g'risidagi axborotni xabar qiluvchi shaxslar va ularning yaqin qarindoshlari davlat himoyasida bo'ladi.



BU O'T O'CHIRGICH NIMAGA MO'LJALLANGAN?

Kombinatimizda hamma bo'limlarda, ko'p xonalarda olovni o'chirishga mo'ljalangan kukunli o't o'chirish asbobiga ko'zimiz tushadi. Mana shu o't o'chirish asbobi qanday yong'inlarni o'chirishga mo'ljalangan?

B. Karimov.

Ushbu o't o'chirish asbobidan qattiq yonuvchi moddalar, yonuvchi suyuqliklar, gazlar, 1000 V gacha kuchlanish ostidagi elektr jihozlaridagi yong'inlarni o'chirishda foydalaniladi. U kamida bir metr xavfsiz masofa oralig'ida 1 KW kuchlanish ostidagi elektr jihozlarini olovdan o'chirish uchun mo'ljalangan.

Mazkur asbob ikki yilda bir marta tekshiriladi, har besh yilda bir marta yong'iniga qarshi vosita bilan to'ldiriladi. Uning monometri shkalasi yashil oraliqda bo'lganda ishga yaroqli hisoblanadi.

Ushbu asbob dastak, saqlagich (predoxranitel), olovga yo'naltirish, uni o'chirish uchun shlang hamda monometr iborat.

Bobur SULXONOV,
"O'zmetkombinat" Ajning OYOXTTEB inspektori, leytenant.



OSH PICHQONI G'ILOFSIZ OLIB YURISH MUMKIN EMASMI?

Bozordan oilada xo'jalik ishlarida ishlatish uchun osh pichoq olib ketayotgan edim. Yo'lda ichki ishlar xodimlari to'xtatib pichoqni ochiq holatda qo'lda olib yurganligingiz uchun jarimaga tortilasiz deyishdi. Shu to'g'rimi?

T. Saydaliev.

O'zbekiston Respublikasining Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksining 185-2-moddasiga asosan pichoqni g'ilofsiz olib yurish jarimaga solinishiga sabab bo'ladi.

Sovuq qurol sifatida foydalanilishi mumkin bo'lgan ashyolarni ulardan kasbiy faoliyatda, sport faoliyatida yoki xo'jalik-maishiy maqsadlarda foydalanish bilan bog'liq bo'lgan holda, jamoat joylarida ochiq (g'ilofsiz) holda olib yurish, - bazaviy hisoblash miqdorining ikkidandan bir qismidan bir baravarigacha miqdorda, ya'ni 150 mingdan 300 ming so'mgacha jarima solishga sabab bo'ladi.



Sovuq qurolni va sovuq qurol sifatida foydalanilishi mumkin bo'lgan ashyolarni ulardan ov qilishda, kasbiy faoliyatda, sport faoliyatida yoki xo'jalik-maishiy maqsadlarda foydalanilishi bilan bog'liq bo'lmagan holda, jamoat joylarida olib yurish, xuddi shuningdek o'zini o'zi himoya qilish maqsadida olib yurish, - huquqbuzarlik ashyolarini musodara qilib yoki musodara qilmay, bazaviy hisoblash miqdorining bir baravaridan besh baravarigacha miqdorda, 300 mingdan 1,5 million so'mgacha jarima solishga sabab bo'ladi.

XAZINA TOPIB OLSAM...

O'zimga qarashli yer uchastkasidan qadimgi tanga pullarni topib olsam u menga tegishli bo'ladimi yoki davlatga topshirsam qancha mukofot berishadi?

D. Toirov.

Moddiy madaniy meros ob'ektlari jumlasiga kiradigan bunday ashyolardan iborat xazina topilgan taqdirda, ular davlat mulkiga topshirilishi kerak. Bunda xazina yashirib qo'yilgan yer uchastkasi yoki boshqa mol-mulkning egasi va xazinani topgan shaxs birgalikda xazina qiymatining ellik foizi miqdorida mukofot olish

huquqiga ega bo'lishadi. Agar ular o'rtasidagi kelishuvda boshqacha tartib belgilangan bo'lmasa, mukofot bu shaxslar o'rtasida teng ulushlarda taqsimlanadi.

Bunday xazinani u yashirib qo'yilgan mol-mulk egasining roziligisiz qazishma ishlarini olib borgan yoki boylik qidirgan shaxs topib olsa, bu shaxsga mukofot to'lanmaydi va xazina batamom mulkdorning ixtiyoriga o'tadi. O'zbekiston Respublikasi fuqarolik kodeksining "Xazina" deb nomlangan 196-moddasida shunday belgilangan. Xazina topish uchun qazishma va qidiruv ishlarini olib borish mehnat yoki xizmat vazifalariga kiradigan shaxslarga nisbatan ushbu moddaning qoidalari qo'llanilmaydi.

Sahifani huquqshunos
I. ESHONQULOV tayyorladi.





BAYRAM DASTURXONI ATROFIDA TO'G'RI OVQATLANING!

Yangi yilga oz qoldi. Bayram bayramdek o'tishi, hech bir ko'ngilsizlik a'lo kayfiyatimizga chang solmasligi uchun salomatligimizni ham esdan chiqarmasligimiz lozim. Ko'p hollarda bayram dasturxonida ko'p ovqatlanish sog'likka zarar yetkazadi. Bunday bo'lmasligi uchun shifokorning quyidagi tavsiyalariga amal qiling!

Dasturxon nechog'lik to'kin bo'lmasin, birdaniga ko'p ovqat yeb qo'ymang, har bir ovqatni kam-kamdan yeng. Quyuq ovqatlardan oldin sabzavot va mevalardan tayyorlangan salatlar yeng, bu ishtahangizni jilovlab, ko'p yeb qo'yishdan saqlaydi. Ovqatni ko'katlar bilan va xom holdagi sabzavot (masalan sabzi, karam va turp va h.k) va mevalardan tayyorlangan salatlar bilan qo'shib iste'mol qilsangiz hazm qilish osonlashadi. Ovqatlar oralig'ida olma sharbati ichib turing.

Iste'mol qilinayotgan ovqat mahsulotining harorati me'yorda bo'lishi lozim, taomni o'ta issiq va sovuq holda iste'mol qilish organizm uchun zarar hisoblanadi. Issiq ovqatlar oralig'ida ko'k choy iching, zinhor issiq ovqat bilan muzdek ichimlik ichmang, aks holda hazm bo'lishi qiyinlashadi.

Har bir ovqatlanish oralig'ida harakatda bo'lish, o'tirib qolmaslik, xonalarda yurish yoki biroz piyoda



sayr qilib kelish, yeyilgan ovqat hazm bo'lgandan so'ng, boshqa taomlardan tanovul qilish mumkin.

Agar bayram kuni dasturxonda xamirli ovqatlar yoki yog'li, qovurilgan ovqatlar bo'lsa, avvalo, me'yorni unut-mang, ularni qatiq va qatiqli salatlar va oshko'klar bilan yeng va albatta ko'k choy ichib, hazm bo'lguncha kuting, ustiga boshqa ovqat aralashtirmang. Bayram kuni ko'proq yog'siz go'shtlardan tayyorlangan ovqatlar bo'lgani ma'qul. Parhez bop hisoblangan tovuq go'shtidan foydalaning.

Ovqat tayyorlashda hayvon yog'lari o'rniga o'simlik yog'larini ishlatish

lozim. Chunki o'simlik yog'lari tarkibida xolesterin moddasi bo'lmaydi, shuning uchun yengil hazm bo'ladi. Hayvon yog'lari tarkibida yuqori darajada xolesterin moddasi bo'ladi.

Ovqatni pishirishda keragidan ortiqcha qovurmaslik kerak, chunki zarur bo'lgan vitaminlar va faol moddalar o'z xususiyatini yo'qotadi. Taom larni ko'proq qaynatib, bug'lab tayyorlash. Bu ovqatning xavfsizligini ta'minlash bilan birga uning tarkibidagi yog', tuz va shakar miqdorini kamaytirishga ko'maklashadi.

Bayram dasturxonidagi sho'r

INSON UCHUN ENG ZARARLI ODAT

Inson uchun eng zararli odatlardan biri me'dada ovqat to'liq hazm bo'lmasdan turib yana ovqat kiritishdir. Me'da buzilishidan, xususan, yomon ovqatlardan ko'ra zararliroq narsa yo'q.

Qishda issiq, yozda sovuq yoki iliq ovqat tanavvul qilish lozim. Issiqlik va sovuqlikning har ikkisi ham me'yor darajasida bo'lishiga ahamiyat berish kerak. Borida ko'p yeb, yo'g'ida och yurish organizmga nojo'ya ta'sir ko'rsatadi. Buning aksi yana ham yomondir. Juda to'yib va me'dani to'ldirib ovqat yeyish yoki ichish har qanday holatda inson uchun zararlidir, hatto o'lim bilan yakunlanishi ham mumkin.

Abu Ali ibn Sinoning "Tibbiy o'gitlar"idan.

bodring, tuzlamalardan o'zingizni tiying. Osh tuzini ko'p iste'mol qilish ko'rish jarayonining buzilishiga, qon bosimining oshib ketishiga va buyrak xastaliklariga sabab bo'ladi. Taom pishirishda faqat yodlangan osh tuzini ishlatish zarur.

Bayram kunlari o'zingizni sog'lom va yengil his etib, tetik va bardam yurishni istasangiz, albatta ovqatlanish tartibiga, sifatiga va me'yoriga qat'iy rioya qiling!

Sayyora MULLAEVA, shifokor.



HAMMA NARSANING CHEGARASI BOR

Katta odamning oshqozoni hajmi o'rtacha 0,5 litrga yaqin, ovqat iste'mol qilganidan keyin bir yarim litrgacha kengayadi. Biroq bu ham oxirgi chegara emas. Oshqozon devorlari elastik bo'ladi. Ular cho'zilganida 5 litrgacha kengayishi mumkin! Xo'sh, ko'p ovqat yeb yuborilganida nima bo'ladi? Oshqozon oxir-oqibat yorilib ketishi mumkinmi?

Albatta, shunday bo'lishi mumkin. Oshqozon devorlari bosimga chiday olmay, yirtilishi mumkin. Biroq bunga erishish mushkul: odamda yaxshi himoya mexanizmi - qayt qilish refleksi bor. Ko'pchilik oshqozon chiday olmay, yorilish holati darajasida ovqat iste'mol qila olmaydi. Biroq oshqozon yorilishi xavfi qayt qilish refleksi mavjud bo'lmagan odamlar uchun ehtimoldagi holat bo'lishi mumkin. Bunday vaziyatlar kam bo'lsa-da, lekin uchrab turadi. Ayniqsa, maksimal yegulikni tezda yeyish bo'yicha tanlovlar qatnashchilari, bayram dasturxonlarida qorni to'ysa ham ko'zi to'ymaydiganlar juda qaltis ish tutadilar. Ularning oshqozonlari og'ir dardga chalinishi ehtimoli yuqori bo'ladi.

BOTULIZMDAN EHTIYOT BO'LING!

Yangi yilni kutib olish uchun to'kin dasturxon yozamiz. Afsuski, aynan mana shu bayramlarda kuz-qish mavsumida botulizmdan jabr ko'rgan ko'pgina hamyurtlarimiz shifoxonaga tushib qolishadi.

Biroq, uy sharoitida tayyorlangan, sifati kafolatlanmagan, botulizm zahari bilan zararlangan konserva mahsulotlarini iste'mol qilish oqibatida ovqatdan zaharlanishlarning eng og'ir turi - botulizm kasalligiga duchor bo'lishi mumkin.

Botulizm kasalligi ovqatdan zaharlanishning eng og'ir turi hisoblanadi. Bu mikroob oziq-ovqat mahsulotlariga tushib, kislorodsiz muhitda ko'payadi va o'zidan hayvon zaharlari ichidagi eng kuchli hisoblangan toksin (mikrob zahari)ni ajratib oziq-ovqat mahsulotlarini zararlab qo'yadi va bu mahsulotni bilmasdan is'temol qilinganda kasallik rivojlanadi.

Botulizm toksinlari bilan zararlangan oziq-ovqatlarni iste'mol qilgandan keyin, 2-3 soat ichida, ba'zi hollarda esa, bir sutkadan keyin, zaharlangan kishining oshqozoni behuzur bo'lib, qayd qiladi. Bosh qattiq og'riydi, og'iz bo'shlig'i va tomoq yo'llari quriydi. Ko'zi xiralashib, hamma narsa qo'shaloq ko'rinadi, qovoqlari tushib ketadi, bemor yutinishga,



chaynashga qiynaladi. Botulinotoksinga asab tizimi, ayniqsa, kuchli sezgir bo'lganligi uchun, meningial simptomlar kuzatiladi. Nafas olish, og'zidagini yutish refleks-lari, yurak urish reflekslarining buzilishi oqibatida o'lim holatlari kuzatiladi.

Botulizm kasalligida shifokor kelgunga qadar bemorga ko'p miqdorda suyuqlik berish tavsiya qilinadi. Bu esa, oshqozon-ichak yo'lida mikroblarning zaharli ta'sirini bir muncha pasaytiradi.

Hozirda tibbiyotda zaharga qarshi maxsus zardoblar mavjud bo'lib, bemorga o'z vaqtida tibbiy yordam ko'rsatilsa bu holat asoratsiz kechishi mumkin.

SOG'LIG'INGIZ PAND BERMASIN!

Ma'lumotlarga ko'ra, bayram arafasida jigar, buyrak va oshqozon osti dardlariga chalingan bemorlarda ushbu xastaliklar zo'rayishi kuzatilgan. Bu holatga albatta noto'g'ri ovqatlanish sabab bo'ladi. Bayram kunida noxush holatlarga barham berish uchun, avvalo, ovqat iste'mol qilish tartibiga rioya etish lozim. Me'da ovqatga to'lib ketsa uning harakat funksiyasi yomonlashib, oshqozondagi oziq moddalarning shira bilan aralashishi qiyinlashadi va hazm jarayoni izdan chiqadi. Ovqat to'la hazm bo'lmay turib yana taom yeyilsa hazm jarayoni og'irlashadi. Chunki ovqat ustiga yana ovqat tushishi shira ajralish me'yorini buzadi.

Bayram dasturxonini atrofida o'tirilganda oshqozonda biroq og'irlik sezilsa, dori ichishga shoshilmang. Balki anor sharbati yoki mevasi iste'mol qilgan yaxshi. Yangi ivitilgan qatiq, qirg'ichdan o'tkazilgan turp hazmga yordam beradi. Limon o't (melissa), mavrak (shalfey), moychechak (romashka), dalachoy (zveraboy) o'tlarining damlamasi ham xuddi shunday shifobaxsh xususiyatga ega.

Bordiyu bayram taomlaridan keyin oshqozonlarda og'riq paydo bo'lsa, darhol mutaxassisga murojaat qilish lozim.

Sahifani shifokor B. PARDAYEV tayyorladi.

**MAVSUM RASMAN YAKUNLANDI**

Superligaga o'tish o'yini bilan 2022 yilgi mavsum rasman yakunlandi. O'tish bahsida Pro liganing uchinchi jamoasi – "Turon" Superliganing 12-jamoasi – "Lokomotiv" ustidan 2:1 hisobida g'alaba qozonib, bir yillik tanaffusdan keyin kuchlilar safiga qaytdi. Unga qadar elitaning sobiq vakillari – "Andijon" hamda "Buxoro" ham keyingi mavsum Superligada to'p surish vazifasini uddalashgandi.

Ma'lumki, Superligada "Paxtakor" chempion bo'ldi. "Navbahor" ikkinchi, "Nasaf" uchinchi o'rinni egalladi.

2022 YILDAGI ENG YAXSHILAR

Futbol mavsumi yakunlari bo'yicha O'zbekistonda yilning eng yaxshilari aniqlandi.

O'zbekiston U-23 terma jamoasi va "Olimpik" bosh murabbiyi Temur Kapadze yilning eng yaxshi murabbiyi, "Navbahor" a'zosi Jamshid Iskandarov yilning eng yaxshi futbolchisi deb topildi. Shuningdek, Ro'ziqul Berdiev ("Nasaf") Superliganing eng yaxshi murabbiyi, Dragan Cheran ("Paxtakor") Superliganing eng yaxshi futbolchisi va to'purari (20 ta gol) bo'ldi.

**SPORT: ERKIN KURASH****NODIRJON SAFAROV
O'ZBEKISTON CHEMPIONI**

Nukus shahrida sportning erkin kurash turi bo'yicha kattalar o'rtasida O'zbekiston chempionati bo'lib o'tdi.

Chempionatda 57 kg. vazn toifasida kombinatimizning sport-sog'lomlashtirish majmuasi tarbiyalanuvchisi Nodirjon Safarov ham ishtirok etdi. Mamlakatimizning eng kuchli kurashchilari jamlangan musobaqada Nodirjon barcha raqiblarini yengib 1-o'rinni egallab, oltin medal sohibi bo'ldi. O'zbekiston chempioni 2023 yil mart oyida bo'lib o'tadigan Osiyo chempionatida ishtirok etish uchun yo'llanmani ham qo'lga kiritdi.

**SULTONBEK NURIDDINOV
SOVRINDORLAR SAFIDA**

Misir poytaxti Qohira shahrida para suzish bo'yicha Qohira ochiq chempionati o'tkazildi. Mazkur chempionatda yurtimiz terma jamoasi a'zolari ham munosib ishtirok etishib sovrindorlar qatoridan joy olishdi.

Mazkur nufuzli musobaqaning erkaklar o'rtasida S8 klassida 100 metrga butterfly usulda suzish bahslarida hamshaharimiz "Metallurg" sport majmuasi tarbiyalanuvchisi Sultonbek Nuriddinov ishtirok etdi. U marraga uchinchi bo'lib yetib kelib, bronza medalga sazovor bo'ldi.

"METALLURG" – 2022: MAVSUM SARHISOBI

Mamlakat XXXI milliy chempionati ham tarix sahifalaridan joy oldi. Bekobodliklar uchun mavsum qanday o'tdi? Muxlislarning jamoa ishtirokidan ko'ngli to'ldimi? Shu va boshqa savollarga esa raqamlar misolida javob axtaramiz.

O'SISH BOR

2021 yilgi mavsumda bekobodlik futbol ish-qibozlari chempionat yakunini yurak hovuchlab kuzatishgandi. Boisi jamoa faqatgina oxirgi turda safar g'alabasi evaziga xavfli mintaqani tark etgan, 11-o'rinni egallab, o'tish bahslaridan "qutilib qolgandi".

"Metallurg" bu mavsumni 10-pog'ona bilan yakunladi. 26 uchrashuvning 8 tasida g'alaba, 8 tasida durang qayd etildi. 10 ta o'yinda imkoniyat boy berildi. Kiritilgan va o'tkazib yuborilgan to'plar farqi 19:27, 32 ochko jamg'arildi. Ligada "Metallurg" raqib darvozasiga eng kam to'p kiritgan jamoa bo'ldi. Gol o'tkazib yuborishdagi ko'rsatkichi esa – 5-o'rin

SAFARDA HAM UYDAGIDEK...

"Metallurg" birinchi davrada safarda bironta ham g'alaba qozona olmadi. 6 ta o'yinning uchta-sida mag'lubiyatga uchragan bo'lsa yana 3 tasini durang bilan tugatdi. Ikkinchi davrada esa mehmondagi o'yinlar ko'rsatkichi keskin yaxshilandi. Jamoa to'rtta bahsda 3 ochkolik bo'ldi. 3 ta o'yinni esa boy berdi. Safarda ochko jamg'arish bo'yicha Superliga jamoalari orasida ijobiy ko'rsatkich qayd etdi.

Bu yilgi mavsumda bekobodliklar o'z maydonlarida ko'proq ochko yo'qotishdi. 13 ta uchrashuvning 4 tasida yutuqqa erishgan "Metallurg" yana shunchasida mag'lubiyat alamini totib ko'rdi. 5 ta bahsda esa raqiblar bilan ochkolar bo'lib olindi. Kiritilgan va o'tkazib yuborilgan to'plar farqi ham ijobiy emas – 9:11.

**ABRORBЕК TOSHQO'ZIEV
ENG YAXSHI O'YINCHI**

"Metallurg" professional futbol klubida 2022 yilgi mavsum sarhisobi ko'rib chiqildi va laureatlar taqdirlandi. O'rtada qolgan milliy chempionat bahslarida o'zining faolligi, kurashga chanqoqligi bilan yaqqol ajralib turgan Abrorbek Toshqo'ziev "yilning eng yaxshi o'yinchisi" deb topildi va maxsus sovringa sazovor bo'ldi.

**O'RINBOSARLARDA
O'SISH BOR**

Asosiy jamoamizga yaqin o'rinbosarlarni yetishtirib beruvchi U-21 hamda U-19 chempionatlarida qatnashgan yoshlarimizning natijalarida o'sish borligini kuzatishimiz mumkin. Xususan, Bahrom Umarov yetakchiligidagi "Metallurg U-21" jamoasi mavsumni 4-o'rinda yakunladi. Sovrindorlar safiga qo'shilish uchun ozgina omad yetishmadi. Ammo bir mavsum muqaddam O'zbekiston birinchiligida autsayder bo'lgan jamoamizning kuchli to'rtlikka qaytishi barchamizni xursand etmasdan qolmaydi.

Shuhrat Yuldashv murabbiyligidagi "Metallurg U-19" jamoamizning yosh o'yinchilari Saman-

dar Muratboev, Ravshan Xayrullaev hamda Ro'zi-boy Fayzullaevlar esa Rauf Ineleev rahbarligidagi O'zbekiston U-17 terma jamoasi tarkibida xorij yig'inida bo'lib qaytishdi.

Shuningdek, "Metallurg" PFK qoshida faoliyat yuritayotgan "El Golazo" futbol akademiyamizning barcha yosh toifasidagi jamoalari Toshkent shahar birinchiligida qatnashib, mahoratlarini sayqallashtirib borayotganligi muxlislirimizni xursand etayapti. Zero poytaxt chempionatida kuchli jamoalar ko'p va ular bilan raqobatda akademiyamiz tarbiyalanuvchilari yo'qolib qolishmayapti.

**JAMOА TO'PURARLARI**

"Metallurg" superligada raqiblar darvozasiga 19 ta gol kiritgan bo'lsa, shulardan 18 tasi "Metallurg" futbolchilari hisobiga yozilgan. Bitta avto-gol qayd etildi. "Dinamo" bilan uy uchrashuvida gollardan biri samarqandliklar himoyachisi Jasur Jumaevning oyog'idan darvoza to'riga borib tushganligi sabab avtogol yozildi.

Qolgan 18 ta gol esa 9 nafar o'yinchimiz orasida taqsimlandi. Jamoamiz to'purari ikkinchi davradan tarkibga kelib qo'shilgan 20 yoshli Bektemir Abdumannonov bo'ldi. U 12 ta uchrashuvda raqiblar darvozasini 5 marta ishg'ol etdi. Jamoamiz pleymerkeri, tayanch yarim himoyachimiz Damir Temirov esa 14 ta uchrashuvda 4 ta gol muallifiga aylandi. Hujum chizig'imiz vakili Zabixillo O'rinboev esa o'z hisobiga 3 ta gol yozdirib qo'ydi. Qolgan olti nafar o'yinchimiz esa bir martadan muvaffaqiyat qozonishdi.

MUXLISLAR TASHRIFI

Superliga-2022 da stadionlardagi tomoshabinlar tashrifi bo'yicha kutilganidek Namanganning "Navbahor" klubi yaqqol peshqadam bo'ldi. 2-o'rinni "Nasaf" band etgan bo'lsa, "So'g'diyona" kuchli uchtalikka yakun yasadi.

"Metallurg" birinchi davradan keyin tomoshabinlar tashrifi borasida 6-o'rinda borayotgandi. Ammo yakunda "Metallurg" asosiy raqiblaridagi pasayish evaziga 4-o'ringa ko'tarilib oldi.

**"METALLURG-W" MAVSUMNI
8-O'RINDA TUGALLADI**

"Metallurg-W" jamoasi qizlari mavsumning oxirgi uchrashuvida yirik hisobda zafar quchdi. Jamoa safarda "Neftchi-W" jamoasini yengdi. Birinchi bo'limda jamoa sardori Aynur Daulboeva hisobni ochgan bo'lsa, ikkinchi taymda qizlarimiz yana uch marta muvaffaqiyat qozonishdi. Ruxshona Saidabbasova dublga erishgan bo'lsa, Guljamol Normatova o'z ismi sharifini tabloga bir marta yozdirib qo'ydi.

Shu tariqa 22 o'yinda 21 ochko jamg'argan "Metallurg-W" mavsumni 8-o'rinda tugalladi.

K. JUMAYEV.



YANGI YIL TABRIGI

Uyingizga baxt omad,
Olib kelsin yangi yil,
Qalbingizga sahovat,
Olib kelsin yangi yil.

Tinch bo'lsin vatanimiz,
Sog' bo'lsin jon tanimiz,
Oilamizga daromad,
Olib kelsin yangi yil.

Shod xurram barcha ko'ngil,
Sevinchlarga to'lsin dil,
Orzularga ijobat,
Olib kelsin yangi yil.

Porlab ko'kda to'lin oy,
Chehralar ochsin chiroy,
Go'zalligun nafasot,
Olib kelsin yangi yil.

Xurshid Karim.

IBRATLI HIKOYA

Abu Ammar.

YURAKDAGI NIHOLLAR

Badavlat bir insonning o'g'li yomon xulqli bo'lib, salbiy odatlarini hech tashlamas ekan. Boy o'g'lini tarbiyalash maqsadida uyiga aqlli bir ustozni taklif qilibdi. Ustoz uning mud-daosini tinglab, yigitni yoniga olibdi-da, bog' bo'ylab sayrga chiqishibdi. Ustoz yigitdan shu yerda o'sayotgan kichkina bir niholni yulib tashlashini so'rabdi. Yigit ikki barmog'i orqali niholni osongina ko'chirib olibdi. Shundan so'ng ustoz yigitga daraxt bo'lib ulgurgan ko'chatni yulishini buyuribdi. Yigit zo'r berib, bor kuchini ishlatib daraxtni yerdan sug'uribdi.

– Endi esa manavinisi-ga urinib ko'r, – deya ustoz kattakon va sertomir daraxtga ishora qilibdi. Yigit qanchalik urinmasin, daraxt qilt etmas-mish.

– Buning iloji yo'q, –

deb tan olibdi yigit.

– Ana shunday! Bizdagi yomon odatlar ham ko'chatga o'xshaydi, – nasihat qilibdi ustoz, – avvaliga nihol, so'ng daraxtcha, keyin esa ulkan va bahaybat daraxtga aylanadi. Uni vaqtida qalbimizdan yulib tashlasak, ish oson kechadi. Vaqtni boy bergan sarimiz esa u tomir boylab, butun tanimizni egallab boraveradi. Oqibat istasakda, uni yurakdan sug'urib tashlolmaymiz. Yigit bu gaplardan so'ng o'z xulqi haqida chuqur o'ylab ko'ribdi va qalbida unayotgan yomonlik ko'chatlarini vaqtda sug'urib tashlashga ahd qilibdi.

Nodirabegim tarjimasini.



HADISDAN

Banda qiyomat kuni to'rt xislatidan so'ralmaguncha, bir qadam ham oldinga siljiy olmaydi; umrini nima bilan o'tkazgani, o'rgangan ilmiga qanday amal qilgani, mol-dunyoni qay yo'sinda topganiyu nimalarga sarflagani va jismini nimaga fido qilganidan so'raladi.

O'zingizdan pastdagilarga qarang, o'zingizdan yuqoridagilarga qaramang! Zero, shu ish (ya'ni o'zingizdan pastdagilarga qarashingiz) Allohning sizlarga bergan ne'matini kamsitmasligingizga undaydi.

Sizlarning eng yaxshilaringiz – axloqi yaxshi bo'lganlaringizdir.

Albatta, jasadda bir parcha go'sht bordir. Qachon u solih bo'lsa, jasadning hammasi solih bo'lur. Qachon u buzuq bo'lsa, jasadning hammasi buzuq bo'lur. Ogoh bo'linglar! O'sha narsa qalbdir.

Kim yaxshilikka dalolat qilsa (yo'naltirsa), unga amal qiluvchining savobidek ajr yoziladi.

QISQA TA'SIRLI HIKOYALAR

BIR ZUM KUT

Bir odamni ko'ziga farishta ko'rindi va undan so'radi:

– Ey, Farishta 100 yil sen uchun qancha vaqt?

Farishta:

– Bir zum, – debdi.

Haligi kishi yana so'radi:

– Bir million dollar sen uchun qancha pul?

Farishta:

– Bir tiyin.

Shunda haligi kishi:

– Menga bir tiyin ber.

Unga javoban Farishta:

– Bir zum kutgin, – debdi.

SHAYTON

– Ich!

– Ichmayman!

– Ich, bo'lmasa joningni olaman!

– O'ldirsang ham ichmayman, yo'qol! ket!

Xayol ichida do'sti kelib qolganini sezmay qoldi.

– Tinchlikmi do'stim, rangingda rang yo'q,

kinga baqiryapsan?

– Sardo-o-r, do'stim, shayton menga qadah tutib ichishga majburladi, ichmadim, rost aytyapman, aniq ko'rdim, o'z ko'zlarim bilan!

– Siqilma do'stim, ko'p ishlaganingdan hammasi, necha marta aytdim, qo'y shu ish-ingni, bizga qo'shil, biroz dam ol, deb, hech gapimga kirmaysan!

Yur endi, bir otamlashamiz, ichsang yengil tortasan...

HAQIQAT

– Sizning paytingizda odamlar yaxshiroq yashashganmi bobojon?

– Ha bolam, biz bir o'zimiz besh, oltita farzandni bemalol boqib, o'qitib, uyli-joyli qilib, to'yini ham qilardik. Ortganiga qarindosh, urug'larga yordam qilardik. Halol pul topardik. Lekin hech qachon bitta mastava yeyish uchun "bochka"ga borib kelmasdik, bitta molning puliga telefon olmasdik, bitta to'yning puliga artist chaqirmasdik, yaxshi uyni buzib yangisini solmasdik, mashinalar olmasdik... Qanoat qilardik...

BILIMINGIZNI SINAB KO'RING

Qaysi qizning ota-onasi yo'q. Bobosi bor?

Savol: u kim?

Ba'zi insonlarda yurak ikkita bo'ladi.

Savol: Bu qanday inson?

Bir poytaxt shahar ichida boshqa bir davlat joylashgan.

Savol: Bu qaysi shahar va davlat?



Ko'pchilik ot ustidan ot sakrab o'tganini ko'rgan. Balki siz ham ko'rgan bo'lishingiz mumkin.

Savol: bu holatni qaerda ko'rgansiz?

U savol emas. Lekin unga javob berish kerak.

Savol: U nima?

Javoblarni gazetaning keyingi sonidan bilib olasiz.

Gazetaning o'tgan sonidagi savollarning javoblari.

Qora yer quyosh nurini ko'proq oladi. Quyosh nurini ko'p olgan ekinlar tez yetiladi.

Shim kiyib yurish.

Bu kunlar ham o'tib ketadi.

Budapesht.

Metroda poyzdning bekatga kirib kelishi

YANGI YIL XANDALARI

Yangi yil kuni uch og'ayni choyxonadan chiqib, vokzalga kelishdi. Qarasalar poezd vokzaldan jildi. Ular uning ortidan yugurishdi. Ikkitasi chiqdi, biri qolib ketdi. Qolib ketgani dumalab kula boshladi.

– Nega kulyapsiz?

– Ular aslida meni kuzatishga chiqishgandi.

Toyota bilan Mers to'qnashib ketdi. Mersdan uchta barzangi tushib Toyotadagini tortqilab chiqarishdi.

– Birodarlar, axir bu Toyota...

Barzangilar uning gapini eshitmay do'pposlay ketishdi. Ura-ura charchab qolishdi.

– Gapir, nima deyaotganding?

– Birodarlar, axir bu Toyota-ku, haydovchi o'ng tomonda o'tiradi!

Yangi yil bazmi dasturxon atrofida ikki do'st aroq ichib turganda biri ikkinchidan so'rapti:

– Nimaga ichganingda ko'zlaringni yumasan?

– Xotinimga aroqqa qaramayman deb so'z bergandim.



MUASSIS:
O`zbekiston metallurgiya
kombinati aksiyadorlik jamiyati.

WWW.uzbeksteel.uz

Muharrir:
Ismadiyor MAMATQULOV

TAHRIRIYAT: Bekobod shahar
"O`zmetkombinat"
aksiyadorlik jamiyatining
Metallurglar madaniyat saroyida
joylashgan.
Tel: 10-17, 70-214-19-24

Gazeta oyda bir marta
chiqadi.

Gazeta tahririyat kompyuterida
terilib, sahifalandi va "Niso Poligraf"
MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Bosmaxona manzili:
O'rta Chirchiq tumani, "Oq ota"
hududi "Mash`al" mahallasi,
"Markaziy" ko'cha, 1-uy.

Sahifalovchi:
Inom Xojimurodov

Bosishga topshirish vaqti 17.00
Bosishga topshirildi-16.00
Adadi 500. Bichimi A-3.
ISSN 2181-645X
Gazeta "O`zmetkombinat"
AJda bepul tarqatiladi.